

F.A.Низамов

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖ ЛОГИСТИКА ХИЗМАТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда логистика хизматларини кўрсатишида рақамли технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган бўлиб, Дисконт карта тизими орқали тўловларни амалга ошириш мижоз билан компания орасидаги тўлов муносабатлари ифода қилинган. Дисконт карталари тизими савдо ёки кафолат компаниялари мунтазам истеъмолчилар ҳисобидан товарлар ўз айланмасини ошириш имконини берувчи рақамли технологиялар орқали харакати жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: “Ўзбекистон темир йўллари”(ЎТЙ), акциядорлик жамияти (АЖ), Минтақавий темир йўл узели унитар корхонаси(МТУ УК), дисконт карта, саралаш ва юк бекатлари, давлат солиқ қўмитаси (ДСҚ).

G'.A.Nizamov

The School of Business and Entrepreneurship

SPECIFIC ASPECTS OF THE USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE LOGISTICS SERVICE IN THE RAILWAY SERVICE "UZBEKISTAN RAILWAYS".

Abstract. This article describes the specifics of the use of digital technologies in the logistics service of JSC JSC Uzbekistan Railways, the payment relationship between the customer and the company to make payments through the discount card system. The discount card system highlights aspects of the movement through digital technologies that allow trading or warranty companies to increase their turnover of goods at the expense of regular consumers.

Keywords: "Uzbekistan Railways", Joint Stock Company (JSC), Regional Railways" (MTU UK), discount card, sorting and cargo stations, State Tax Committee.

КИРИШ

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда темир йўл бекатлари бўлиб, улар поездларни қабул қилиш, жўнатиш, кесишиш, ташиш жараёнлари, юкларни қабул қилиш, юк бериш, юк багажи ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш, бўйича жараёнлардан, ҳамда поездларни шакллантириш, тарқатиш ва поездлар билан техник жараёнларни амалга ошириш бўйича иш олиб борадиган алоҳида темир йўл ажратиш пунктларидир. Темир йўл бекатлари ўз ишининг хусусиятига кўра қўйидагиларга бўлинади:

1. Юк бекатлари - юк тижорат жараёнларини бажариш учун мўлжалланган. Улар йирик саноат ва маъмурий марказларда, дengiz ва Дарё портлари жойларида, юкларни оммавий юклаш ва тушириш жойларида қурилади. Ишлов берилаётган юкларнинг тури ва жойлашишига қараб, улар турли юкларни, яъни қўйма юклар, кўмир юкланиши, порт ва бошқаларни қайта ишлашга мўлжалланган оддий юклар билан ишлаш бектларига

бўлимади. Умумий юк бекатлари сирасига саноат корхоналарининг кириш йўллари ва давлат юк бекатлари билан туташган жойларда қўплаб юк бекатлари ҳам киради. Уларда алоҳида қабул қилиш, жўнатиш йўллари ва йўловчи бинолари (поезд стансиялари) мавжуд.

2. Техник бекатлар - юк автомобиллари, поездлар, ташишни ташкил этиш ва йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш учун поездлар билан техник жараёнларни бажаришга мўлжалланган жойлардир. Техник бекатларга йўловчи ва юк ташиш жараёнлари учун мўлжалланмаган темир йўл бекатлари киради. Юк автомобиллари, поездлар билан бажариладиган техник жараёнларга қараб техник темир йўл бекатлари қўйидагиларга бўлинади:

- Саралаш бекатлари - вагонларга оммавий ишлов бериш ва поездларни шакллантириш учун мўлжалланган. Улар темир йўл линияларининг туташиш ёки кесишиш нуқталарида, катта транзит пунктларида жойлашган. Бундан ташқари, транзит поездлар уларда қайта ишланади. Саралаш бекатларининг бир нечта маҳсус парклари бўлиб, энг йирик паркларида тоқ ва жуфт йўналишдаги вагонларни ўзи автоматик равишда саралайдиган жойлари ҳам мавжуд.

- Участка бекатлари - транзит юк ва йўловчи поездларини қайта ишлаш, комбинациялашган ва участка поездларини шакллантириш, кириш йўлларига хизмат кўрсатиш учун шунтлаш жараёнларини бажаришга мўлжалланган. Участка бекатлари орасидаги масофа локомотивлар ва локомотив экипажларининг ўзгаришига боғлиқ бўлиб, одатда улар бир-биридан 150-300 км масофада жойлашган бўлади. Участка бекатларида одатда 2-3 та парки бўлиб, вагонларга техник хизмат кўрсатиш пунктлари локомотивлар учун техник хизмат кўрсатиш деполари мавжуд бўлади.

- Порт ёнидаги бекатлар - денгиз портига хизмат кўрсатишда вагонларни иифиш учун ишлатилади. Улар кема порталарида вагон ташиш, қабул қилиш ва поездларни шакллантириш ишларини амалга оширади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Тадқиқотнинг илмий янгилиги тарқатилган дафтар технологиялари, блокчейн ақлли технологиялар асосида юк темир йўл транспортини ташкил этиш ва бошқариш механизмини ишлаб чиқиша, ушбу технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий асослашга қаратилгани такидланган [1].

Замонавий дунё марказлаштириш инқилоби арафасида турибди, бу блокчейн технологиясининг ривожланиши билан бошланади. Жаҳон иқтисодий форум ҳисботида блокчейн технологияси ёки тарқатилган китоб технологиясига (ДЛТ) қўйидагича таъриф берилган: бу воситачиларга эҳтиёж сезмасдан тўғридан-тўғри тармоқ ичидаги турли хили шартнома тузувчи томонлар ўртасида маълумотлар алмашинувини таъминлайдиган технологик жараёнлар хақида такидланган [2].

Блокчейн - бу воситаларсиз ишлайдиган тенгдошлар ўртасида транзакцияларни амалга ошириш учун платформалар яратилган ва барча

транзакциялар маълумотларини акс эттириш учун марказлаштирилмаган ахборотни сақлаш воситаси бўлган маҳсус технология – деб айтиб ўтилган.

Халқаро юк ташиш транспортида электрон маълумотлар алмашинувини муваффақиятли амалга оширишга таъсир қилиши мумкин бўлган муҳим халқаро лойиҳаларга нисбатан радио частота идентификациялаш технологиясини темир йўл юкларини эксплуатация қилишда амалий қўллаш имконияти кўриб чиқилган. Темир йўл соҳасида янги ва мураккаброқ ахборот тизимларини ва технологияларини жорий этиш, ушбу камчиликларни мунтазам равишда йўқ қилиши ва шу билан стратегик тушунча, нафақат транспортдаги маълумот сифатини оширибгина қолмай балки темир йўл юклари соҳасида умумий рақобатбардошлигини ошириши керак, – деб такидлаган [3].

Мақолада фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва кўрсатилаётган хизматларнинг белгиланган нархини аниқлаш учун “Россия темир йўллари” АЖга хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг танлаш мезонларини аниқлаштириш зарурлиги, шунингдек форсайт ва аутсорсинг технологиялари билан биргаликда фойдаланиш орқали устивор йўналишишларга эришиш мумкинлиги такидланган [4].

Соддалаштирилган асосий технологик жараён транспорти қуйидаги йўналишишлардан иборат:

- 1-Инфратузилмани бошқариш;
- 2-Станция ишларини бошқариш жараёнлари бўлиб, улар
 - а) Юк жараёнларини бошқариш;
 - б) Саралашни бошқариш;
- 3- Транспортни бошқариш;
 - а) Йўл ҳаракатини бошқариш жараёнлари бўлиб, улар
 - б) тортишни бошқариш;
 - в) Ҳаракатланувчи таркибни бошқариш;
- 4-Мижоз билан ўзаро муносабатларни жараёнларини, асосий технологияларни шакллантириш мумкин бўлган мантиқий истиқболлар рақамли технологияларини ривожлантиришга қаратилганлиги такидланган [5]. Бундан ташқари ушбу жараённи бошқариш, айнан акциядорлик жамиятини бошқариш, бу орқали тизимга инвестициялар жалб қилиш, бошқарувнинг халқаро стандартларига амал қилиш ҳам муҳимдир. Бу бора ҳақида иқтисодчи олимлардан: Суюнов Д.Х. “Мамлакатлар иқтисодиётининг глобаллашув шароитида компанияларнинг фаолиятига инвестициялар киритишини амалга ошириш учун ўзаро манфаатли ривожланишини таъминлайдиган барча мамлакатлар учун ягона бўлган корпоратив бошқарув стандартлари ишлаб чиқилиши ва уни жорий қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади” –деган фикрни билдирганлар [6].

“Тизимда электрон рақамли имзо ва шифрлаш механизмларидан фойдаланиш ушбу тизимга ахборотни криптографик ҳимоялаш тизимини, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелдаги ПҚ-614-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида

ахборотни криптографик муҳофаза қилиш тұғрисидаги низом» талабларига мувофиқ сертификатланган электрон рақамли имзо воситаларини қўллаган ҳолда амалга оширилиши зарур” деб таъкидлайди А.Т.Кенжабаев ўз мақоласида

Поездлар ҳаракатини автоматлаштириш келгуси ўнг йилликда транспортга таъсир қилиши мумкин бўлган энг муҳим омилдир. ERTMSни ривожлантириш поездларни автоматик бошқариш учун босқичма-босқич ўтиладиган бир қурилма бўйича такидланган [7].

Ушбу А.Д.Баринованинг методик қўлланмасида минтақавий инновацион тизимларни шакллантиришнинг динамик хусусиятлари иқтисодиётни рақамлаштириш давридаги пойдеворидир. Инновацион ривожланишини индикатив баҳолаш моделини минтақавий иқтисодий тизимини яратиш,-ҳақида такидланган [8].

“Рақамли логистика” шароитида инфратузилмани бошқариш учун электрон маълумотлар оқимининг ортиб борувчи ҳажмини ҳисобга олган ҳолда адашиш вазиятлари юзага келганда мураккаб ташкилий-техник обьектларнинг прогноз даражасини ошириш имконияти ва логистика инфратузилмасининг фаолият ўлчамларини комплекс баҳолаш асосида огоҳлантирувчи (проакти) бошқариш тизимларига ўтиш ўта муҳим аҳамиятга эгалиги, шунингдек Ўзбекистон транспорт бозорида инновацияли логистика технологияларининг мульти modal ва интерmodal ташувларни ривожлантириш барқарорлиги ва самарадорлигига таъсир даражасини ошириш имконини бериш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган [9].

Муаллиф ўз мақоласида янги технологияларни қўллаган ҳолда, яъни электр батареяларда ишлайдиган электровозлар билан ўтказиш унумдорлигини ошириш ва Бавариядаги темир йўл тизими бу янгиликлар билан ўтказиш қобилияти самарадорлиги оширилиши бўйича такидланган [10].

Логистика жараёнининг мақсади, тўғри миқдорда ва сифатли материаллар ёки хизматларни керакли жойга ўз вақтида етказиш, унинг устидан назорат ўрнатишни тақазо қиласди. Назорат тизимни амалга оширишдда эса албатта компалаенс-назорат тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада Д.Х. Суюновнинг фикрига кўра “Компанияларда “комплаенс-назорат” тизими - бу хар бир давлатда қабул қилинган қонун талаблари ва хар қандай компанияларда турлича бўлишлиги мумкин бўлган қоидалар ва стандартларга асосан, компаниянинг хизматлар бозорида қандай қилиб ўзини тутиши этик қоидаларга ва ҳалқаро стандартларга амал қилиши, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, мижозлар билан адолатли муносабатда бўлиш ва мижозларга маслаҳат беришда адолатли ёндашувни таъминлаш каби масалаларни англатади”[11]. Рефрижиратор вагонларни ташиш вақтида олиб борилган жараёнларни анализ қилиб кўрилган бўлиб, унда холодильник сифатида ишлатиладиган тизимни бошқа бир компания ва корхоналар билан ўзаро келишилган ҳолда ташиш жараёнини олиб бориш ташишдаги самарадорликни оширганлиги,

ҳамда бутун бир тизимда бошқа иштирокчилар билан ҳам муносабат кучайиши такидланган [12].

Шу билан бир қаторда логистика таъминот жараёнининг бир қисми бўлиб, мижозлар талабини қондириш учун юклар, хизматлар ва маълумотлардан келиб чиқкан ҳолда, самарали олдинга силжиш жараёнини амалга оширилиши уқтириб ўтилган [13].

Илғор транспортни бошқариш дастури мавзуси келажакда энергия истеъмолига сезиларли таъсир кўрсатиши тахмин қилинмоқда. Ушбу соҳага киритилган воситалар, жисмоний инфротузилмалар бир неча юрисдикция режимлар бўйлаб ақлли ва мослашувчан автомобилларни бошқаришга қаратилган. Ушбу ҳолатда ташишни бошқаришнинг илғор тизимлари сайт бўйлаб кузатув ва аниқлаш, транспорт маълумотларини тезкор йифиш ва баҳолаш, ҳамда башорат қилиш имкониятларига таяниши такидланган [14].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу ҳолатни тизимга тадбиқ қилиб, умумий тизимни боғлаш ва назорат қилиш ҳолатини амалга оширишга қаратилган. Бунда марказий тизим ҳар бир минтақавий темир йўл бўлимларида сақланадиган бўлиб, асосий катта бекатларга уланади ва улар орқали тизим ортга ахборот ишловини қайтаради. Сўнгра минтақавий темир йўл бўлимидан бошқа темир йўл бўлимига маълумот автоматик тарзда юборилади. Бу жараён хужжатлар бормасидан аввал назоратга олинади. Ўз-ўзидан минтақавий темир йўл бўлими марказлари бошқарма маркази билан компьютер программаси орқали уланиб, уларнинг ҳолати ва иш жараёни автоматик тарзда назорат остида бўлади. Методология бўйича айнан вақт ва иш назорати кўрсатилиб, қайси структуралар билан ва кимлар билан ишлар олиб борилиши такидланган. Олиб бориладиган иш янги турдаги тизим ҳисобланиб, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ юқ тизимида кўлланилмаган. Тизимда бу янгиликни қўллаш орқали назорат баъзасини яратиш бўлиб, бу баъза кейинчалик иш жараёнини сифат даражасини ошириш, мижозларга сервис хизматини яхшилаш, қофозбозликни камайтиришда иш бериши учун кўзда тутилган. Ушбу ҳолатни қайта-қайта ўрганиш орқали бирон-бир натижага эришишда, ушбу ҳолатларни юзага чиқариш ва тизим ишлаш кафолатини тадбиқ қилишdir.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастуритўғрисида”ги Қарори билан темир йўллар

тармоғини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, соҳанинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, республика корхоналари ва аҳолисининг юклар ташиш ва йўловчилар ташувидаги эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги асосий йўналишлар, ёндашувлар ва механизмлар белгилаб берилган. Шунга асосан берилаётган таклиф янги технологик тизимни темир йўл соҳасида қўлланлиши учун мўлжалланган бўлиб, у асосан темир йўл бекатларида жойлашган юк кассалари фаолиятидаги иш жараёнини енгиллаштириш учун қаратилган. Бу юклар билан ишлаш кассалари темир йўлнинг саралаш ва участка бекатларида жойлашган бўлиб, иш фаолиятининг асосини хужжатларни расмийлаштириш ва темир йўл мижозлари билан ишлашга мўлжалланган.

Темир йўл вокзалларида йўловчилар, юк ва темир йўл кассаларида ёки бошқа темир йўл бўліммаларида вагон хужжатларини қайта ишлаш, бошқа хизматлар кўрсатиш ва вагон хизматлар учун йигимлар тўплашда юк ташувчига хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган бўліммалар ҳам мавжуд. Унда юклар билан ишлаш идорасининг асосий мақсади ташиш хужжатларини тўғри ва ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, темир йўл транспортларини, йўл рўйхатларини ва бошқа хужжатларни қабул қилиш, текшириш ва рўйхатга олиш, товарларни олиб кириш учун хужжатларни бериш, тўлов ва тўловларни аниқлаш, йиғиш ва марказлаштирилган тўлов тизимиға киритишдан иборатdir. Товар идораси ходимлари келган товарлар ҳақида мижозларга хабар беради ва юкларни етказиб беришни ташкил қиласи, юк ташиш бўйича тасдиқланган аризаларни бажариш учун бухгалтерия карталарини саклайди, китобларни тўлдиради ва юк ташиш учун бухгалтерия хужжатларини, вагонларни етказиб бериш ва тозалаш рўйхатларини тузади, сўнgra хужжатларни саклашни таъминлайди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун, товар оғисларида товар кассирлар автоматлаштирилган иш бекатлари билан жиҳозланган (АПМ ТВК), бошқа бўліммалари ва шаҳар билан телефон алоқаси, юк машиналари, темир йўл кириш йўллари, ДСҚ юк хужжатларини юбориш учун механизациялашган ахборот узатиш воситалари, электр маркалари, автоматик маркалари ва ёзувлар қурилмалари, юк хужжатлари ва шаклларини саклаш учун кабинетлари, мебел ва бошқа оғис ускуналари билан жиҳозланади. Йирик юк бекатларида товар кассасининг биноларида юк жўнатувчилар ва консернлар учун хонаси, товар кассалари, савдо агентлари ва тушумни ҳисобловчи(таксировкачи)лар учун автоматлаштирилган иш бекатлари билан ишлайдиган хоналар, товар омборхонаси бошлиғи, далолатнома-қидирав гуруҳи ходимлари, маркали вагон хизматлари агентлари, архив учун хоналар ва бошқалар мавжуд. Хонада мебел, ёзув маълумотлари, вагон хужжатларини тўлдириш намуналари, тақдим этилган хизматлар, етказиб бериш вақтлари, юк ташиш тарифлари, қўшимча тўловлар, қўшимча иш ва хизматлар учун нархлар ва бошқалар ҳақида зарур бўлган, ҳамда бирга ишончли маълумотларни ўз ичига олган автоматик белгилар ва электрон қурилмалар бўлиши керак. Товар касса бинолари хизмат қўрсатиш меҳнат шароитларини,

хужжатларни ишончли сақланишини ва тариф жараёни ҳақидаги маълумотлар блан таъминлаши лозим. Темир йўл транспорти Низоми(Устави)да юк ташиш қоидаларида белгиланган тўловлар ва жарималар учун товарларни корхоналарда ёки ташкилотларда юк воситалари(багажи)ни ташиш учун банк муассасалари орқали нақд пулсиз тўловлар технологик хужжатларини қайта ишланиши темир йўл бўлимларининг технологик марказлари (ТЕЧПД) ёки техник хужжатларини қайта ишлаш технологик марказлари томонидан амалга оширилади. Техник маълумотлар варақаси, ҳисобланган тўловларни қабул қилишнинг тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини таъминлайди, шунингдек ташиш учун тўловларни аниқлашнинг тўғрилигини назорат қиласди, ҳамда ҳисоб-китоб бекатлар томонидан амалга оширилади. Банк муассасаларида ҳисоб-китоб ҳисоб(счёт)ларига эга бўлган, ташиш ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш техник бўлимига мурожаат қилган барча корхона ёки ташкилотларга еттига рақамли тўловчи кодлар берилади. Код тайинлангандан сўнг тўловчининг номи, коди, унинг барча банкини кўрсатувчи ҳужжат берилади. Батафсил маълумотга бекатининг номи, коди ва кодни белгилаш санаси ушбу ҳужжат билан товарга тақдим этилади.

1-жадвал
**2020 йилда темир йўл транспорти орқали қанча юк ташилгани
бўйича 2018-2020 йил учун маълумот [15].**

№	Кўрсаткич номи	Солиштириш оралиги			2020йил 2018 йилга нисбатан % бажарилди
		2018 йил	2019 йил	2020 йил	
1.	Ташилган юк ҳажми, млн.тонна	68,4	70,1	70,6	103,2
2.	Экспорт	12,3%	12,2%	14,7%	+2,4%
3.	Импорт	26,42%	27,48%	30,03%	+3,61%


Мисол учун ташилган юклар айланмасини ўтган йили учун 1-жадвалда солиштирилган ҳолатда кўрадиган бўлсак, юк айланмаси борган сари ошиб бормоқда ва қуляйликлар ишлаб чиқишини талаб қилмоқда. Буларни барини эътиборга олиш ва ҳозирги замон талабига асосан ҳаракат қилишимиз зарур. Рақамли иқтисодиётнинг вазифаларидан бири қуляйлик яратиш ва рақамлаштириш(цифровизация)га ўтган ҳолда, назоратни кучайтиришдан иборат. Ушбу назорат орқали маълумотларда аниқлик борган сари кучайиб боради ва секин-аста бошқа усууллар ҳам ишлаб чиқилишни бошлайди.

Дисконт карталари тизими савдо ёки кафолат компаниялари мунтазам истеъмолчилар ҳисобидан товарлар ўз айланмасини ошириш имконини

беради. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва мижозлар зарур нарсаларни сотиб ёки хизматлар турли турлари учун тўлов пул сақлашингиз мумкин. Мутлақо барча чегирма карталари моҳияти маҳсулотлар ёки хизматлар учун бонуслар билан меҳмонларни мукофотлаш учун эмас. Оддий пластик карта сотиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш ва компанияяга янги босқичга чиқиш имконини бериш қобилиятига эга.

Дисконт карталарини ишлаб чиқаришда ҳамма нарса танланган бизнесда савдо воситасини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқишидан бошланган. Кейинчалик бу босқичнинг хулосалари харита тартибини ишлаб чиқара бошлади. Бу дизайн устида факат ўйлаш эмас, балки зарур бўлган имкон дастурини амалга ошириш техник хусусиятлари ва чакана савдо нуқталарида тўловларни амалга ошириш жараёнлари тадбиқ қилиниши кўрилади. Бутун карта бир қаторда белгиланган тартибда берилади, кейин компания тизимиға киритилади. Ушбу картавий технологияни маълум бир бекатларга кўллаб кўриш зарур.

Темир йўл бекатлари сони 54 тадан 58 тагача бўлиб, ундаги саралаш ва участка бекатлари 5-6 тани ташкил қиласиди. Тажриба сифатида аввалом бор тизимни катта юк бекатларидаги юк кассаларида қўллаб кўриш тавсия этилади. Унинг кўриниши 2-расмда акс этган. Ушбу қурилма орқали дисконт картадаги маблағни компьютерга ўтказиш ва ҳисобни тўлдириш мумкин бўлади. Ўз-ўзидан савол пайдо бўлади. Нимага тўғридан-тўғри карточка билан пул тўловини амалга ошириш мумкин эмас? Бунга сабаб қилиб, темир йўл ички тизими айланмаси маблағлари бир жойга йиғилиб, битта ҳисоб орқали банк жараёнлари билан амалга оширилишини такидлашимиз мумкин. Ундан ташқари дисконт карта эгаси темир йўл орқали автоматик компьютер тизимида тўловни қайд этиш ҳолатидан ўтказилиб, унинг темир йўл ташкилоти билан хужжатлари тўлиқлилиги, рухсатномаси борлиги ҳам компьютер орқали текширилиши мумкин. Ҳар сафар қофозбозлик қилинмасдан мижозлар ҳақида баъза маълумотлари компьютерда сақланади. Дисконт карта маблағи банк ҳисоби рақами орқали тўлдирилади. Шанба ва якшанба банк тизимининг ишламаслигини ҳисобга олсак, бу ойига камида 192 соат иш ҳолати бўлмайди деганидир.



2-расм. Юк бекатларидағи дисконт картаси қабул қилиш қурилмаси ва марказий бўлиммага тизим орқали боғланадиган компьютер схемаси.¹⁶

192 соатдан ярми олиб ташланган тақдирда ҳам бу 96 соат деганидир. Демак, ушбу тизими темир йўл тизимиға жорий қилинса, биз хизматлар сифатини оширган бўламиз. Темир йўл тизимидағи баъзи 96 соатлик нуқталарда юк айланмасини тезлаштирган бўлиб чиқамиз. Бу ташиш жараёнида вагон айланмасини ҳам, юк айланмасини ҳам тезлаштириш имкониятида қулайлик яратади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Дисконт карта тизими орқали тўловларни амалга ошириш мижоз билан компания орасидаги тўлов бўлган аниқ вақтни ифода қиласи. Ундан ташқари дам олиш қунлари бўлган шанба ва якшанба куни ҳам тўловлар тизимини амалга ошириш мумкин бўлади. Бу билан чегараланиб қолмасдан, байрам кунлари ҳам юк вагонлари ҳужжатларини расмийлаштиришдаги тўловларни ҳам амалга оширса бўлади. Ортиқча қофозбозликни олдини олади. Ҳар бир тўлов амалга оширилган вақтлар ва суммалар аниқ(фиксировать) кўрсатилади. Демак, карточкали тизим бизга анчагина қулайлик ва иш жараёнини тезлаштиришга олиб келади.

Хозирги замон талабига асосан рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, технологик жараёнларга ўтиб бориш тизимларини яратишимииз, бизнинг келажагимизга бўлган ишончли қадамлардан бири ҳисобланади. Рақамли логистиканинг асосий мақсадидан бири рақамли иқтисодиётни қўллаган ҳолда, ташиш жараёнини тезлаштириш, юклар оқимини йўналтириш ва оптималь йўл(вариант)ларга асосланиб, юкларни етказиб беришдан иборатdir.

¹⁶ муаллиф ишланмаси

Ҳар бир технологияга янгилик сифатида қараладиган бўлса, ушбу технологиялар инсонларга хизмат кўрсатиш учун воситачи вазифасини бажаради. Дисконт картали тўловни юк бекатларига қўллаб қўрилиши, ҳозир кунда тажриба сифатида қаралаётган услублардан бири бўлиб, агар тўлов назорати амалга ошириладиган бўлса, иш ҳажми икки баробарга оширилиши кўзда тутилган. Кейинчалик бу ҳолатни, яъни технологияни Республикализ ҳудудидан ташқаридаги бошқа давлатлар бекатлари билан ҳам боғлаш мумкин бўлади. Бу эса тўғридан-тўғри экспорт қиласидан мижоз(клиентура) билан иш олиб бориш деганидир. Бошқа бир давлат ёки темир йўл бекатлари билан боғлаш ҳолатларини ҳам ўрганишга имкон яратади. Имконият кенгайиб бориши ва асосий бошқарув маркази бизнинг давлатимиздаги темир йўл тизимида бўлиши учун, ўз тизимимизга тадбиқ қилиш жараёнларини малакавий кадрлар билан ўрганмоғимиз зарур.“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўл бекатларида жойлашган, тизимдаги асосий ўринда турувчи саралаш ва юк ташиш бекатларидаги юклар билан ишлайдиган кассаларда тўловни дисконт карта орқали амалга оширишдан иборат. Бунда ҳар бир мижознинг ёки корхонанинг ўз шахсий картаси бўлиб, ўша картасида пул маблағлар жамланмаси бўлади. Темир йўл корхонаси билан мижоз орасидаги пул тўлови пул ечиб олиш қурилмаси орқали амалга ошириладиган восита бўлиб, юк эгасининг ёки бекат билан ишлайдиган корхона вакилларининг марказий бошқармага қатновини чегаралайди. Ушбу тўлов жараёни мижозлар ва поездлар билан ишлаш жараёнидаги қимматли вақтни тежайди. Барча моддий тарафлама алоқадор масалаларни шанба ва якшанба куни ҳам, банк бўлиммалари ишламаганда ҳам, бўлиммалар дам олиш кунида ҳам бевосита тўловларни амалга ошириш имкониятини яратади. Накд пул айланмасини чегаралаб, техник ва технологик ҳолатга ўтишдаги яна бир қадамлардан бўлади.

Бунда ҳар битта “Минтақавий темир йўл узели” УК бўлиммаларида ягона тизим яратилади. Бу тизимга асосан ҳар бир “Минтақавий темир йўл узели” УКдаги саралаш ва катта юк айланма бекатларида жойлашган кассалар билан боғланадиган тизим жорий қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.** Tkachev I.G.“Organizacionno-economicskiy mexanizm razvitiya transportnix system na baze sifrovix texnologiy” Avtoreferat Sankt-Peterburg 2019.
- 2.** Raxmatullina V.R., Gorshenin V.F.“Na puti k sifravoyeconomike: texnologiyablokcheyn”,Chelyabinskiygosudarstvenniy institute 2018 g
- 3.** Kenjabaev A.T., Abdullaev M.X. O’zbekiston Respublikasida xavfli geologik jarayonlarni kuzatishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish bosqichlari va istiqbollari. Geologiya va mineral resurslar. Geologiya i

mineralnie resursi. Geology and mineral resources. Nauchno-prakticheskiy jurnal. 5'2021 god.

4. Mashek Y., Kolarovszki P., Camaj Y. “Application of RFID Technology in Railway Transport Services and Logistics Chains” Slovakia 2016 y, pages 231-236.

5. Vakulenko S.P., Belozerov V.L., Kurenkov P.V., Chebotareva Y.A., Solop I.A., Kuzina E.L., Vasilenko M.A., Astafiev A. V., Zyurina O.A., Zmeshkal E.A. “Update criteria for selecting service providers for railway transportation enterprises” Slovakia 2021 y, pages 362-369.

6. Suyunov D.X. “Korporativ boshqaruvning zamonaviy xalqaro standartlari va usullarini joriy qilish”. “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy jurnali (Elektron jurnal) 2021 yil, №3 son, iyun 1-13 betlar.

7. Dzyuba Y.V., Pavlovskiy A.A., Umanskiy V.I., “Sifrovaya jeleznaya doroga. Texnologicheskiy uroven”, Moskva 2018 g.

8. Kupriyanovskiy V.P., Alenkov V.V., Klimov A.A., Sokolov I.A., Zajigalkin A.V. “Sifrovaya jeleznaya doroga – ERTMS, BIM, GIS, PLM i sifrovie dvoyniki”, Moskva 2017 g.

9. Baranova A.D. “Metodologicheskiye osnovi isledovaniye regionalnix innovasionnix system v period sifrovizasii ekonomiki”, kandidat nauk Rossiya 2020 g

10. Fayzullayev J.S. “Zamonaviy transport logistika tizimining boshqaruva samaradorligini oshirish”, Toshkent 2017 y.

11. Suyunov D.H. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises” The American Journal of Management and Economics Innovations (ISSN – 2693-0811) Published: June 30, 2021 | Pages: 138-145 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajmei/> Volume 03Issue 06-21. IMPACT FACTOR 2021: 5. 562.

12. Mueller F., Guerster M., Obrenovi N., Bierlaire M. “Can regional railway become emission-free with recently announced vehicles? - A casestudy of Bavaria”, Report TRANSP-OR 191028 Transport and Mobility Laboratory School of Architecture, Civil and Environmental Engineering Ecole Polytechnique Fédérale de Lausanne, Germaniya 2019 y.

13. Fan Y., Behdani B., M. Bloemhof-Ruwaard J. “Reefer logistics and cold chain transport: a systematic review and multi-actor system analysis of an unexplored domain”, Operations research and logistics group, Wageningen University & Research, Netherlands, Issue 20(2), pp. 1-35, 2020 y.

14. Shaheen S. A., Finson R. “Intelligent Transportation Systems”, University of California Berkeley and Davis, California, United States, 2004 y. Science Topics - Terms, Concepts... | ScienceDirect.

15. Railway.uz.